



## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

### I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. **Буюртмачи** – Энг яхши таклифларни танлаб олиш ахборот жадвали (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) да кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича Энг яхши таклифларни танлаб олиш эълон қилади.

1.2. Энг яхши таклифларни танлаб олиш тури – очик, агар ТАЖда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

1.3. Ишлар Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий пудрат шартномаси талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4. Қурилиш ишлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари, қурилиш материаллари, ёқилғи, жиҳозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутаяди.

1.5. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари белгиланган тартибда техник иқтисодий асослар ёки техник-иқтисодий ҳисоб-китоб асосида ишлаб чиқилса ва буюртмачи объектнинг кейинги босқичлари экспертизасини ишлаб чиқиш ва ўтказишни пудратчига топширишни режалаштирса, бу ҳақда ТАЖда кўрсатилиши лозим. Бунда ишлар маълумотини пудратчи ўзининг Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифининг қийматига киритиши керак.

### II. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур йўриқномани, шакл ва иловалар қўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

#### 2.2.1. ШАКЛЛАР рўйхати:

**1-шакл.** Энг яхши таклифларни танлаб олиш буюртмасини таъминлаш кафолати.

**2-шакл.** Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

**3-шакл.** Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

**4-шакл.** Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари.

**5-шакл.** Банк кафиллиги.

**6-шакл.** Энг яхши таклифларни танлаб олишдаги объектга ўхшаш объектларда охирги икки йиллик иш тажрибаси.

**7-шакл.** Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

**8-шакл.** Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) объектлари.

**9-шакл.** Қурилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома.

**10-шакл.** Хужжатларни имзолаш ва Энг яхши таклифларни танлаб олишда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома.

### **2.2.2. ИЛОВАЛАР рўйхати:**

**1-илова.** Лойиҳани бажариш буюртманомаси.

**2-илова.** Объектнинг қурилиш ишларини бажариш графиги.

**3-илова.** Объект қурилишини молиялаштириш графиги.

**4-илова.** Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект қурилишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари.

### **2.3. Техник қисм:**

буюртмачи томонидан тасдиқланган қиймати киритилмаган физик иш ҳажмлари рўйхати; (4-илова асосида)

жиҳозлар, материал ва конструкциялар буюртмасининг тўлиқ рўйхатидан иборат.

**Изоҳ:** *Лойиҳанинг хусусиятига қараб техникавий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа ҳужжатлар ҳам киритилиши мумкин.*

**2.4. Тижорат қисми:** -қурилишнинг бошланғич нархи, муддати, молиялаштириш манбаси, шартлари ҳамда шартнома лойиҳасидан иборат.

## **III. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ**

3.1. Объект бўйича Энг яхши таклифларни танлаб олишда таклиф этилган шартлар асосида иштирок этиш мақсадида мурожаат этган маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари Энг яхши таклифларни танлаб олишнинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Иштирокчи Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш учун Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур йўриқноманинг VII боби талабларига биноан Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини тақдим этиши лозим.

3.3. Иштирокчи ўзининг Энг яхши таклифларни танлаб олишда таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси ва Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси Энг яхши таклифларни танлаб олишда натижаларидан қатъи назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

## **IV. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ**

4.1. Буюртмачи Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда, ушбу Энг яхши таклифларни танлаб олишда таклифлар бериш тугайдиган муддат Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

Шу билан бир вақтда, Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси, киритилган ўзгартиришлар ҳақида Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчиларга билдиришномалар юборади.

4.2. ТАЖДа кўрсатилган муддат доирасида иштирокчи ёзма равишда Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисига Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси иштирокчининг сўрови бўйича Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларига оид маълумот ва материалларга тушунча бериш билан боғлиқ сўровлар моҳияти бўйича таклифларни топширишнинг ТАЖДа кўрсатилган муддатдан кечикмасдан ёзма равишда жавоб беришга, сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчиларга жавобларни жўнатишга мажбур.

4.4. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш улар буюртмачи, Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси шахсий ташаббуси билан ёки Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси сўровига жавобан амалга оширилганлигидан қатъий назар “Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчига хабарнома” кўринишда расмийлаштирилади ва Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларига қўшимча бўлиб қолади. Шу кўринишда расмийлаштирилмаган ўзгартиришлар ва қўшимчалар кучга эга бўлмайди. Буюртмачи ёки Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари ноқонуний киритган ўзгартириш ва қўшимча учун жавобгар бўлмайдилар.

4.5. Иштирокчилар хабарномани олгач унинг илова қилинган нусхасига имзо чекиб, дарҳол уни ташкилотчига қайтаришлари керак.

4.6. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари учун хабарнома тузишдан олдин оғзаки шаклда қилинган йўриқномалар эътироз учун асос бўла олмайди.

4.7. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиларига ўз таклифларига ўзгартиришлар киритиш учун зарур вақт тақдим этиш мақсадида ташкилотчи Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси билан келишилган ҳолда мазкур йўриқноманинг XIII боб мувофиқ таклифлар тақдим этиш муддатини узайтириши мумкин. Бунда Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиларига жўнатиладиган хабарномада оферталар тақдим этиш муддатини янги охириги санаси белгиланади.

## **V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ**

5.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари Энг яхши таклифларни танлаб олиш ва лойиҳа ҳужжатларини ўрганиб чиқишлари керак, Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари танишиб чиқиш мақсадида Энг яхши таклифларни танлаб олиш предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари) ни буюртмачи ёки Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси томонидан тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Шунингдек, буюртмачи ёки Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси лойиҳа ҳужжатларини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианты) ни Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

5.2. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини, мавжуд бино ва иншоотларни бориб кўришлари, жойнинг ўзида лойиҳа-смета ҳужжатларини ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

## **VI. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФНИ ТАЙЁРЛАШ**

6.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, Энг яхши таклифларни танлаб олишга оид барча хабарномалар ва ҳужжатлар, Энг

яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари билан буюртмачи ва ташкилотчи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси томонидан тайёрланган Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифида, унга оид барча хабарномалар ва ҳужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Иштирокчи Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини мазкур Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, иштирокчи Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Иштирокчи ўз Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифининг таркибида фақат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

## **VII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР**

7.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифлари, 7.7-бандда кўрсатилган ҳоллардан ташқари, иккитадан - биринчи ва иккинчи йиғма жилддан иборат. Биринчи жилдга кирувчи ҳужжатларда Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифи қийматига оид ҳеч қандай ахборотлар бўлмаслиги керак. Таклифни ташкил этувчи барча нархлар, тарифлар ва якуний суммалар фақат иккинчи йиғма жилд ҳужжатларида бўлиши керак.

### **7.2. Биринчи йиғма жилд таркибидаги ҳужжатлар:**

7.2.1. ТАЖда кўрсатилган суммага банк кафолатини (1-шакл) ёки ушбу суммани буюртмачининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш топшириқномасининг нусхасини тақдим қилиш йўли билан Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш буюртманомасини таъминлаш амалга оширилади. Энг яхши таклифларни танлаб олиш буюртмасини таъминлаш кафолати суммаси объект бошланғич нархининг 0,02 фоизидан ошмаслиги зарур. Энг яхши таклифларни танлаб олиш буюртмасини таъминлаш кафолатининг амал қилиш муддати ТАЖда кўрсатилади.

7.2.2. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (2-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустақил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси тақдим этилиши шарт.

7.2.3. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг охириги икки йилдаги молиявий аҳволи (3-шакл). Шаклга иштирокчи аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова қилишга мажбур.

7.2.3.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (4-шакл). Шакл ташкилотнинг тегишли ҳисобот даври асосида тўлдирилиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади. Агар ТАЖда бошқача талаблар кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

7.2.4. Объект бошланғич нархининг 20% миқдорида айланма маблағлар мавжудлиги ҳақидаги тижорат банки томонидан тасдиқланган маълумотнома ёки 20% миқдорида айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги тижорат банк кафиллиги (5-шакл) (ТАЖни қаранг).

7.2.4.1. Айланма маблағлар объект бошланғич нархининг 20% дан кам миқдорини ташкил этган ҳолларда, иштирокчи айланма маблағлари мавжудлиги ҳақидаги банк тасдиқлаган маълумотномани ва етмаётган суммага банк кафиллигини тақдим этади.

7.2.4.2. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, банк кафиллигининг амал қилиш муддати йиғма жилдлар очилган кундан бошлаб 90 кундан кам бўлмаслиги керак.

7.2.4.3. Банк кафолати фақатгина керакли лимитлар ва кредит ресурслари билан таъминланган юқори турувчи банк ёки кредит комитетининг тасдиғига эга бўлган банк муассасаси томонидан берилиши мумкин. Бунда банк кафиллигида тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами, санаси ва юқори турувчи банк раҳбарининг фамилияси, исми кўрсатилади.

7.2.5. Энг яхши таклифларни танлаб олишда ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси (6-шакл). Ушбу жадвалда иштирокчи Энг яхши таклифларни танлаб олиш предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида давлат қабул комиссияларининг далолатномалари (агар иштирокчи ёрдамчи пудратчи сифатида бўлган бўлса ҳисоб-фактура маълумотномалари) илова қилинади.

7.2.6. Иштирокчи ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати (7-шакл). Агар ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда иштирокчи лойиҳани бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.7. Иштирокчининг Энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилаётган даврдаги жорий пудрат шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (8-шакл).

7.2.8. Қурилиш майдонини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома (9-шакл).

7.2.9. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисига берилган, ҳужжатларга имзо чекиш ва Энг яхши таклифларни танлаб олишда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома (10-шакл). Энг яхши таклифларни танлаб олишда раҳбар қатнашса шакл тўлдирилмайди.

7.2.10. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларининг нусхалари.

7.2.11. Лицензиялар ёки рухсатномалар нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошқа ҳужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва рухсатномалар номи ҳам ТАЖДа кўрсатилган.

7.2.12. Юқорида сўралган шакллар ва ҳужжатларга иштирокчи ТАЖДа кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

### **7.3. 2-йиғма жилд таркибидаги ҳужжатлар:**

7.3.1. Лойиҳани бажаришга буюртма (1-илова).

7.3.2. Объектнинг қурилиш ишларини бажариш графиги (2-илова).

7.3.3. Объект қурилишини молиялаштириш графиги (3-илова).

7.3.4. Объект қурилишининг шартномавий нарҳини белгилашда қўлланилган:

- жамланма жадвал;

- объектда бажариладиган иш ҳажмлари жадвали;

- объектда ишлатиладиган қурилиш материаллари (материаллар таснифи ва миқдори билан) рўйхатлари жадвали (4-илова).

Бажариладиган ишлар ҳажми жадвалини иштирокчи ўз таклифида ҳар бир иш тури бўйича бир бирлик иш ҳажмлари нарҳини ресурсларни акс эттирмасдан тақдим қилади.

Қурилиш материаллари бўйича жадвални тўлдириш юзасидан 8.2 бандга қаранг.

7.4. Буюртмачи Энг яхши таклифларни танлаб олишда қатнашиш буюртмаси таъминотини қуйидаги ҳолатларда қайтаради:

7.4.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.4.2. Бошқа иштирокчиларга - Энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

7.4.3. Таклифни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагунга қадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.5. Буюртма таъминотини қайтариш, банк амалиётларининг харажатларидан ташқари, қайтариш асоси вужудга келган вақтдан эътиборан 10 (ўн) кун муддат мобайнида амалга оширилади.

7.6. Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этишга буюртма таъминоти қуйидаги ҳолатларда қайтарилмайди:

7.6.1. Таклифни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагандан кейин, унга ўзгартириш киритган, Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифининг амал қилиш муддати ва 7.4.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайтариб олган оферентга;

7.6.2. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклифини қайтариб олганда, ёки Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

7.7. Дастлабки малака танлови орқали Энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилганда биринчи йиғма жилд ҳужжатлари малакавий ҳужжатлар деб, иккинчи йиғма жилд ҳужжатлари эса Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифи деб ҳисобланади.

## **VIII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФИ НАРХИ**

8.1. Ишларнинг қиймати 4-иловада кўрсатилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатида ҳар қайси ўрин бўйича бўш жойлар иштирокчи таклиф этаётган баҳо кўрсатилган ҳолда аниқ тўлдирилган бўлиши лозим. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси таклифининг умумий нарҳини аниқлашда оралиқ суммалар жамланади. Иштирокчилар пудрат ишлари Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этаётганда объектнинг таклиф этилаётган қийматини, қурилиш-монтаж ишларининг шартномавий баҳолардаги тўғридан тўғри қиймати сифатида бошқа харажатлар ва кўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари керак. Қурилиш-монтаж ишларининг тўғридан тўғри қийматига доимий коэффицент сифатида қўлланиладиган бошқа харажатлар қийматини иштирокчи мустақил равишда белгилайди ва ишлар қийматига киритади. Бунда, иштирокчи ташкилотлар таклиф этаётган нарҳни ҳисоблашда 1 ва 4-иловалар талабларига амал қилиши шарт.

8.2. Иштирокчи объект қурилиши (реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш)нинг шартномавий нарҳини белгилашда қўлланилган қурилиш материалларининг нарҳлар ва компонентлар жадвалини тўлдиради. Бунда қурилиш материаллари турини Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларида Ф-5 шаклидаги (локаль ресурс қайдномаси) рўйхатдан олади ва пудратчи томонидан мустақил Энг яхши таклифларни танлаб олиш предметининг техник жиҳатларидан келиб чиқиб тўлдиради.

Ҳар бир аниқ объект асосий қурилиш материаллари номенклатураси (расмий рўйхати) объект қийматининг 100 % ини (лойиҳада назарда тутилган) ташкил этувчи қурилиш материалларини ҳисобга олган ҳолда тўлдирилади.

8.3. Оферент объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳоланган рўйхатини ва асосий нарҳ шакллантирувчи компонентларнинг нарҳлар жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.4. Сўз билан ёзилган нарҳ ва рақам билан кўрсатилган нарҳ орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарҳ қабул қилинади.

8.5. Ҳажм бирлигининг қиймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарҳ қабул қилинади.

8.6. Энг яхши таклифларни танлаб олишда белгиланган қурилишнинг нарҳи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буюртмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири, қурилишнинг бир йилдан ортиқ давомийлиги) бундан мустасно.

8.7. Шартнома нарҳини 2-чи ва кейинги йилга мувофиқлаштириш асосий нарҳ шакллантирувчи компонентларнинг нарҳлари ўзгарганда қонунчиликда белгиланган тартибда олиб борилади.

## **IX. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФИНING АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ**

9.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифининг амал қилиш даври Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифлари очилган кундан бошлаб 60 кундан кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

9.2. Алоҳида ҳолларда таклифнинг бирламчи амал қилиш даври тугаш вақтигача Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари билан таклифнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида келишиши мумкин, келишув ёзма шаклда расмийлаштирилган ҳолда.

## **Х. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ**

10.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча ҳужжатларнинг аслини ва битта нусхасини уларга “асли” ва “нусха” деб аниқ белги қўйиб, тақдим этиши керак. Улар орасида фарқи бўлган тақдирда “асли”га устунлик берилади.

10.2. Таклифнинг асли ва нусхаси босма ёзувда бўлиши керак. **2,3,4,4.1,6,7,8,9-**шаклларнинг ва 1,2,3,4-иловаларнинг ҳар бир бети савдо иштирокчиси раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзо чекилган ва Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак. 10-шакл Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг раҳбари томонидан имзоланган ва унинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

10.3. “Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиларига хабарнома”га мувофиқ зарур ёзувлар ёки тузатишлар киритилган таклифнинг барча бетлари Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифи остига ўз имзосини қўйган шахс томонидан тасдиқланиши керак.

10.4. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси хабарномасига мувофиқ киритилган ёки Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси йўл қўйган хатоларни тузатиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар бундан мустасно. Мазкур тузатишлар таклиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланган бўлиши керак.

10.5. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси ҳар қандай ўзгартиришлар, четга чиқишлар ёки муқобил таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чиқишлар, муқобил таклифлар ва бошқа омиллар Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

## **ХI. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ, ЖОЙЛАШТИРИШ ВА БЕЛГИ ҚЎЙИШ**

11.1. Иштирокчини имзо ва муҳр билан тасдиқланган таклифи, иккита бир-бирига солинган Энг яхши таклифларни муҳрланган ва йўриқноманинг 11.2, 11.3, 11.4-бандларига мувофиқ белгиланган тартибда тақдим этади (11.8-банд кўрсатилган ҳолатдан ташқари). Консорциум бўйича Энг яхши таклифларни танлаб олишда қатнашаётганда таклиф барча консорциум шериклар томонидан имзо ва муҳр билан тасдиқланади.

11.2. Ташқи энг яхши таклифларни танлаб олиш 1-йиғма жилдга тегишли ҳужжатлар ва ички энг яхши таклифлар жойлашади. Ички энг яхши таклифларда эса 2-йиғма жилдга тегишли ҳужжатлар жойлашади.

11.3. Ташқи энг яхши таклифлар қуйидагича белгиланади: - таклифни қабул қилиш манзили кўрсатилади; - иштирокчини номи; - Энг яхши таклифларни танлаб олиш предметининг номи; - таклифни топшириш санаси.

11.4. Ички таклифлар қуйидагича белгиланади: “иштирокчини номи”, “Энг яхши таклифларни танлаб олиш предмети номи” ва “молиявий таклиф” ёзуви.

11.5. Ўзгартиришлар киритилган энг яхши таклифлар 11.3 ва 11.4 бандларга мувофиқ “Ўзгартиришлар” ёзуви билан белгиланади.

11.6. Таклифни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарномада қуйидагилар кўрсатилади: “иштирокчи номи”, “Энг яхши таклифларни танлаб олиш предметининг номи”, “Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини ҳисобдан чиқариш ҳақида хабарнома” ёзуви, “Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарномани бериш санаси”.

11.7. Дастлабки малака танлови орқали Энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилганда биринчи ва иккинчи йиғма жилд ҳужжатлари алоҳида топширилади.

11.8. Энг яхши таклифларни танлаб олишда консорциум ташкил этиш орқали қатнашаётган барча консорциум шерикларининг номи ҳамма эликтирон кўрсатиб ўтилади.

## **ХII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФИНИ БЕРИШ**

12.1. Таклифлар Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисига ТАЖДа кўрсатилган тартибда, ўз муддатида ва манзил бўйича тақдим этилиши керак.

12.2. Дастлабки малака танлови орқали Энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилганда (мазкур йўриқноманинг 1.2 бандига ва ТАЖГа қаранг) дастлабки малакани ўтказиш санаси тайинланади (ТАЖГа қаранг).

12.3. Буюртмачи Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси билан келишган ҳолда таклиф бериш муддатини узайтириши мумкин. Бу ҳақида Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси хабарномалар орқали билдиради.

12.4. Оферта Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисига тақдим этилгандан сўнг, у оферта қабул қилинганлигини алоҳида қайд этиш китобида рўйхатга олади.

12.5. Буюртмачи томонидан лойиҳа ҳужжатлари Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисига мазкур йўриқнома 5.3-банди талабларига асосан тақдим этилмаган ёки рад қилинган ҳолларда иштирокчи Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини топшириш муддатини узайтириш ҳақида Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисига мурожаат қилиши мумкин.

12.6. Юқоридаги бандда қайд этилган ҳолат рўй берган ҳолларда Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси, буюртмачи билан келишган ҳолда, иштирокчи буюртмачидан лойиҳа ҳужжатларини олганлиги ҳақидаги далолатномани қабул қилган кундан бошлаб, энг камида 5 кун муддатга Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини топшириш муддатини узайтириши мумкин.

### **XIII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ**

13.1. Таклиф берилганидан кейин иштирокчи Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифига ўзгартиришлар киритиши ёки уни ҳисобдан чиқариши мумкин, шу шарт биланки, ушбу ўзгартиришлар ёки таклифни ҳисобдан чиқариш хабари таклифларни бериш муддати ичида ёзма равишда Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисига тақдим этилган бўлса.

13.2. Иштирокчи киритаётган ўзгартиришлар ёки таклифни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарнома мазкур йўриқноманинг 11.5, 11.6, ва 11.7-бандларига биноан тайёрланган, муҳрланган ва белги қўйилган бўлиши ҳамда 12.1-бандда кўрсатилган Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини бериш муддати тугамасдан олдин етказиб берилиши керак.

13.3. Таклифлар бериш муддати тугаганда ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

### **XIV. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФЛАРИНИ ОЧИШ ВА БАҲОЛАШ**

14.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш буюртмачининг манзилида ўтказилади, агарда ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаса.

14.2. Таклифлар (1 ва 2-йиғма жилдлар) солинган

14.3. Оферентларни ҳозир бўлган ваколатли вакиллари ўзларининг иштироки ҳақида гувоҳлик белгиси сифатида реестрга ўз имзоларини қўйишлари керак.

14.4. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси таклифларини ҳисобдан чиқариш ҳақида хабарнома йўллаган оферентларини эълон қилади (агар бўлса).

14.5. Таклифни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги хабарномалар берилган таклифлар очилмайди. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларида белгиланган муддатдан кейин тушган оферталар кўриб чиқилмайди. Таклифларни тақдим этиш санаси Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисининг таклифларни олинганлиги ҳақидаги почта хабарномасидаги белги бўйича ёки Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчисининг



таклифларни иштирокчиларга берилган санаси ҳақидаги хабарнома санаси бўйича аниқланади.

14.6. Йиғма жилдлар таркибини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек Энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолибини аниқлаш ёпиқ йиғилишларда амалга оширилади. Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор қилинмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14.7. Тақдим этилган таклифларнинг очилгунга қадар бутлиги учун жавобгарлик Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси зиммасида бўлади.

14.8. Агар ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифларни баҳолаш даври Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифлари очилган кундан эътиборан узоғи билан 30 кунни ташкил этади.

14.9. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси ташқи (1-йиғма жилд ҳужжатларини) очади, таклифларни тўғри тўлдирилганлиги, имзоланганлиги ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади, оферентлар малакасини баҳолашни амалга оширади.

14.10. Малака баҳоланганидан сўнг малакадан ўтган ва 2 йиғма жилдни очилишига рухсат олган оферентлар эълон қилинади. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси 1-йиғма жилдлар таркибини ўрганиш ва баҳолаш натижалари эълон қилинмасдан олдин иштирокчилар 2-йиғма жилдларини очишга ҳаққи йўқ.

14.11. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси (2-йиғма жилд ҳужжатларини) электирон кулич орқали очади, уларни ўрганади, баҳолашни ўтказиши, ғолибни аниқлайди ёки бошқа қарорларни қабул қилади.

14.12. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг барча қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади, овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

14.13. Малакани баҳолаш ва якуний баҳолаш Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси тасдиқлаган ва ушбу йўриқноманинг иловаларида кўрсатилган баҳолаш мезонларига биноан амалга оширилади.

14.14. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси томонидан оферентлар тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган ҳолда, Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси ушбу Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини рад қилишга ҳақли.

14.15. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари талабларидан таклифдаги аҳамиятсиз фарқларни эътиборга олмасликка ҳақли, агарда улар бошқа қатнашчилар рейтингига таъсир қилмаса.

14.16. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг ҳар бир йиғилишида баённома юритилади.

14.17. Энг яхши таклифларни танлаб олишга киритилмаган ёки рад қилинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомаларда қайд этилиб, уларни рад қилиш ёки дисквалификация қилиш сабаблари кўрсатилади.

14.18. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш ишчи гуруҳларини тузади. Баҳолаш ишчи гуруҳларининг таркибига Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб қилинган эксперт ва консультантлар (Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг қарори бўйича) киритилиши мумкин. Жалб қилинган эксперт ва консультантларнинг хизматлари шартнома асосида буюрмачи томонидан тўланиши мумкин. Баҳолаш ишчи гуруҳларининг аъзолари Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси аъзолари каби Энг яхши таклифларни танлаб олишни ташкиллаштириш ва ўтказишга доир қонунчиликка ва мазкур Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари талабларига риоя этиш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

## **XV. ТАКЛИФЛАРНИ ТУШУНТИРИШ**

15.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси таклифларни баҳолаш ва таққослаш учун таклифни Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси мажлисида кўриб чиқиш вақтида оферентлардан таклифлар мазмунига тушунчалар беришни сўраши мумкин. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

**XVI. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ  
МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ  
(ТЕХНИК БАҲОЛАШ)**

16.1. Оферентни талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакл ва уларга иловалар, унинг офертасида тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади.

16.2. Оферентлар таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади. Ўрганиш натижалари бўйича баҳолаш ишчи гуруҳи аъзолари Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларининг баҳолаш варақларини тўлдиришади (техник баҳолаш варағи ТАЖда алоҳида иловаларда намунавий жадвалда тақдим этилади).

16.3. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, баҳолаш варағи қуйидаги шаклда тўлдирилади:

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ  
ВАРАҒИ  
(ТЕХНИК БАҲОЛАШ)**

Т/р	Параметрлар номи	Шакл	Максимал балл	Оферентлар		
				5	6	7
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>
1	Энг яхши таклифларни танлаб олиш буюртмасини таъминлаш кафолати (1-шакл) ёки буюртмачи белгилаган ва Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси тасдиқлаган миқдордаги пул маблағларини (объект бошланғич қиймати 0,5%гача ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса) буюртмачи махсус ҳисоб рақамига ўтказиб Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш буюртмасини таъминлаш ёки тўлов топшириқномаси нусхаси, ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса.	1-шакл	Изоҳга қаранг			
2	Оферент ҳақида умумий маълумотлар	2-шакл	19			
3	Оферент охириги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компанияси ҳулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан) Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот	3-шакл	34			
4	Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар (4-шакл)	4-шакл				
5	Керакли айланма маблағларни (буюртмачи белгилаган объектнинг бошланғич қийматидан 20% га етмаётган) тақдим этиш ҳақидаги банк кафиллиги ёки оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган объектнинг бошланғич қийматининг 20%дан кам бўлмаган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома	5-шакл				
6	Энг яхши таклифларни танлаб олишдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси	6-шакл	25			
7	Ишларни бажаришда фойдаланиладиган оферентнинг машина ва механизмлари рўйхати	7-шакл	20			
8	Оферент Энг яхши таклифларни танлаб олиш вақтида иштирок этаётган ва мазкур Энг яхши таклифларни танлаб олишнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) ҳақида маълумот	8-шакл	Изоҳга қаранг			
9	Курилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома	9-шакл	2			
	Жами балл		100			

**Изоҳлар:**

*Оферент баҳолаш яқунларига кўра 60 баллдан кам балл тўпласа (келгусида – ўтиш баллари), Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси аъзоларининг овози қарши ҳисобланиб, техник*

жиҳатдан малакаси етарли эмас деб ҳисобланади, агар ТАЖда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

Таклиф қуйидаги ҳолларда кўриб чиқилмайди ва ҳужжатларнинг 2-йиғма жилди очилмасдан оферентга қайтарилади:

-агар таклиф Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг овоз бериш натижаларига кўра техник малакаси етарли эмас деб топилса;

-1, 3, 4, 5 ва 8 шакллар мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса.

Агар шартномани тузиш мўлжалланаётган сана вақтига баҳолаш мезонларига биноан лойиҳани амалга ошириш учун керакли барча машина ва механизмлар бошқа объектларда ишга жалб қилинадиган ҳолларда 7-шакл баҳоси 0 га тенглаштирилади. Бошқа ҳолларда баҳолаш интерполяция йўли билан амалга оширилади.

2, 3, 6, 7, 9-шакллар мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, уларни баҳоси 0 га тенглаштирилади.

Оферент ташилотнинг раҳбари бўлмаган ёки 10-шаклда келтирилган шакл бўйича ишончномага эга бўлмаган оферент вакили Энг яхши таклифларни танлаб олишда ҳозир бўлишига ва Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини (офертани) имзолашига ҳақли эмас.

10-шакл мавжуд бўлмаса Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифи ва келгусида буюртмачи ва Энг яхши таклифларни танлаб олиш золиби ўртасидаги пудрат шартномасини фақат оферент ташилотнинг раҳбари имзолаш ҳуқуқига эга.

**Баҳолаш гуруҳи аъзоси (аъзолари):** \_\_\_\_\_  
(имзоси) (Ф.И.О.) (санаси)

16.4. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси оферентдан уни малака талабларига жавоб беришини тасдиқловчи далилларни расмий шаклда тақдим этишни талаб қилишга ҳақли.

16.5. Зарур бўлганда Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси 1-йиғма жилд ҳужжатларида келтирилган маълумотларни батафсил ўрганиш ва тўғрилигини текшириш учун комиссия таркиби ва жалб этилган мутахассислардан иборат баҳолаш гуруҳини тузишга ва кейинчалик комиссияга тегишли хулосани киритишга ҳақли.

16.6. Баҳолаш ишчи гуруҳи тузилган ҳолатда Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси аъзоси баҳолаш ишчи гуруҳининг тавсиялари асосида қарор қабул қилишга ёки Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифлари баҳолаш варағини мустақил тўлдиришга ҳақли.

16.7. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси оферент интеллектуал мулки ва тижорат сирига тажовуз қилмайди.

## **XVII. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ҲОЛИБИНИ АНИҚЛАШ**

17.1. Молиявий таклифларни очиш ва баҳолаш Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси томонидан Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларининг биринчи йиғма жилдларини тасдиқлаш ва уларни кўриб чиқиш натижалари эълон қилинганидан сўнг амалга оширилади.

17.2. Иккинчи йиғма жилдларни очилишига малака танловидан муваффақиятли ўтган оферентларга рухсат этилади.

17.3. Иккинчи йиғма жилдларни очилиши мазкур Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилари йўриқномасининг XIV боби талабларига асосан амалга оширилади.

17.4. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси оферталарни бутлигини текширади, 2-йиғма жилд ҳужжатларини тўғри тўлдирилганлиги, имзолангани ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади.

17.5. Агар Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси томонидан 2-йиғма жилддаги таклиф ҳужжатларининг бирортасини Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда оферентнинг таклифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон қилинмасдан Энг яхши таклифларни танлаб олишдан четлатилади.

17.6. Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси оферталари 17.5 банднинг талабларига зид бўлмаган оферентларнинг 1-иловада кўрсатиб ўтилган нархи ва ишларни яқунлаш муддатларини ўқиб эшиттиради.

17.7. Сўнгра таклифлар арифметик текширувдан ўтказилиб, оферта таркибида келтирилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари билан Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари таркибида келтирилган иш ҳажмларини солиштириш амалга оширилади ва Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларига молиявий баҳо берилади.

17.8. Арифметик хатолар мазкур Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчи йўриқномаси 8.4 ва 8.5-бандига асосан.

17.9. Зарур бўлганда, Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси 2-йиғма жилд ҳужжатларида келтирилган маълумотларни, хусусан ҳисоб-китобларнинг иқтисодий асосланганлиги, иш ҳажмлари Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларига жавоб бериши ва бошқа ҳолларни батафсил ўрганиш учун комиссия аъзолари ва жалб этилган мутахассислардан иборат баҳолаш гуруҳи тузиш ҳуқуқига эга.

17.10. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

17.11. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, оферентларининг таклифлари қуйида кўрсатилган Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларининг молиявий баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади:

## **ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҚИСМИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Иловаларни баҳолаш параметрларининг номи	Баллар миқдори	Оферентлар		
<b>I. Таклиф этилаётган нарх. 1-илова . (35 балл)</b>					
1.	Буюртмачининг бошланғич нархи – 10 балл, таклиф этилган энг паст нархи – 35 балл. Таклифлар бўйича бошланғич ва энг паст нархлар ўртасидаги баллар формула ёрдамида интерполяция билан аниқланади* (изоҳга қаранг). Оферентларнинг буюртмачи бошланғич нархидан юқори таклифлари рад этилади.	10 – 35			
<b>II. Қурилишни яқунлашни таклиф этилаётган муддати. 1-илова. (5 балл)</b>					
1.	Ижро муддати Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларида белгиланганга мос ёки кам.	5			
2.	Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларида белгиланган ижро муддатидан ортган ҳар 10 кун учун 1 балл олиб ташланади, лекин 5 баллдан ортиқ эмас.	1 -5			
<b>III. Биринчи йиғма жилдни баҳолашдаги баллар миқдори. Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларининг баҳолаш варағи (техник баҳолаш). (60 балл)</b>					
1.	Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини техник баҳолаш якунига кўра энг кўп балл тўплаган оферентга – 60 балл; 2-йиғма жилдларни очилишигача киритилган ва Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини техник баҳолаш якунига кўра ўтиш бали билан тенг тўплаган оферентга – 45 балл; қолган таклифлар бўйича баллар интерполяция билан аниқланади.	45-60			

### **Изоҳлар:**

*а) оферент таклифи қуйидаги ҳолларда рад этилади (дисквалификация қилинади):*  
 - 1, 2, 3 ва 4-иловалардан биронтаси, шунингдек 4-иловадаги жамланма жадвал мавжуд бўлмаса ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, таклиф рад этилади ва ҳужжатларнинг 2-йиғма жилди мазмуни эълон қилинмасдан қайтарилади;

*- офертада кўрсатилган ишлар ҳажми Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларида кўрсатилган ишлар ҳажмига тўғри келмаса;*

*б) малакали деб топилган ва преференцияларни қўшган ҳолда энг кўп балл тўплаган оферентнинг таклифи голиб деб ҳисобланади;*

в) баллар тенглигида таклиф этилган энг кам нархли таклиф танланади.

\* Таклифлар бўйича бошлангич ва энг паст нархлар ўртасидаги балларни аниқлаш интерполяция формуласи:

$$A = 10 + ((\text{СЦЗ-ЦП}) * 25) / (\text{СЦЗ-НПЦ}), \text{ бу ерда}$$

A – молиявий таклиф учун баллар миқдори;

10 – оферент нархи учун берилган, буюртмачининг бошлангич нархига тенг бўлган, баллар миқдори;

СЦЗ – (ББН) буюртмачининг бошлангич нархи;

ЦП – (ТН) оферент нархи;

25 – молиявий таклиф учун берилган энг кўп ва энг кам (35-10) баллар миқдорининг фарқи;

НПЦ – (ЭТН) энг кам таклиф этилган нарх.

\*\* Биринчи йиғма жилд таклифларининг якуний баҳолари бўйича балларни аниқлаш интерполяция формуласи:

$$B = 45 + ((\text{КБІП-ПБ}) * 15) / (\text{НБКБІП-ПБ}), \text{ бу ерда}$$

B – биринчи йиғма жилд якуний баҳоси бўйича баллар миқдори;

45 – ўтини баллига тенглаштирилган биринчи йиғма жилд баллари;

КБІП – (ІПБМ) оферентнинг биринчи йиғма жилд бўйича тўплаган баллар миқдори;

ПБ – (ЎБ) биринчи йиғма жилд бўйича ўтини бали;

15 – энг кўп ва энг кам (60-45) баллар якуни баҳоси бўйича фарқи;

НБКБІП – (ІПЮБМ) оферентнинг биринчи йиғма жилд бўйича тўплаган юқори баллар миқдори.

17.12. Агар ТАЖда бошқа маълумотлар келтирилмаган бўлса, ўрганиш натижаларига кўра, баҳолаш гуруҳи аъзолари Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларининг қуйидаги баҳолаш якуний жадвалини тўлдиришади:

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ

Т/р	Параметр номи	Иловалар	Максимал баллар	Оферентлар		
1	Таклиф этилаётган нарх (нарх преференцияларини ҳисобга олган ҳолда)	1-илова	35			
2	Қурилишни яқунлашни таклиф этилаётган муддати	1-илова	5			
3	1-йиғма жилдни баҳолаш бўйича баллар миқдори	Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини баҳолаш варағи (техник баҳолаш)	60			
Жами баллар суммаси:			100			

Баҳолаш гуруҳи аъзолари: \_\_\_\_\_  
(имзоси) (Ф.И.О.) (санаси)

## XVIII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

18.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолибини эълон қилиш оферентлар иштирокида ўтказилади. Иштирок этмаган оферентлар белгиланган тартибда хабардор қилинади.

18.2. Таклифни қабул қилинганлиги ҳақидаги қарор Энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолибига Энг яхши таклифларни танлаб олиш ташкилотчиси томонидан таклифни қабул қилинганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома билан Энг яхши таклифларни танлаб олиш яқунланганлигидан беш кун ўтмасдан хабар қилинади.

18.3. Пудрат шартномасини Энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолибига берилгани юзасидан Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг қарори охириги ҳисобланади

ва муваффақият қозонмаган оферентлар билан кейинчалик бу масала бўйича баҳс ва мунозаралар ўтказилмайди.

18.4. Энг яхши таклифларни танлаб олишларда муваффақият қозонмаган оферентлар суд инстанцияларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга. суд идоралари сўровига кўра, Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси раиси Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг ҳар бир иштирокчиси ва буюртмачи кўрсатилган оферентларни қатнашишдан четлаштириш сабабларини батафсил тушунтиришни ёзма равишда тақдим этадилар.

## **XIX. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ, ОБЪЕКТ СУҒУРТАСИ**

19.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида ғолиб пудрат шартномасини имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

19.2. Пудрат шартномаси, қурилиш пудрат ташкилотларининг мулкчилик шаклидан қатъий назар қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларида назарда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас.

19.3. Агар Энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолиби мазкур Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларида назарда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси билан биргаликда, офертаси 2-чи ўринни олган оферентни Энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолиби ёки такрорий Энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказишни тайинлаши мумкин.

19.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

19.5. Энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолиби қурилиш суғуртасини қонунчиликда белгиланган тартибда таъминлайди.

## **XX. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ НАТИЖАЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ, ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР ИЖРОСИ МОНИТОРИНГИ**

20.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш натижалари буюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига маълумот киритгандан сўнг Энг яхши таклифларни танлаб олиш яқунланган ҳисобланади.

20.2. Буюртмачи Қурилиш вазирлиги билан келишилган кундан кейин беш кунлик муддат ичида оммавий ахборот воситаларида Энг яхши таклифларни танлаб олиш натижалари ҳақида эълон чоп этади.

20.3. Энг яхши таклифларни танлаб олиш натижаларига кўра эркин муомаладаги валютада тузилган шартнома белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

20.4. Буюртмачи ва Пудратчи (Энг яхши таклифларни танлаб олиш ғолиби) ҳар ойда томонларнинг Энг яхши таклифларни танлаб олиш талабларини бажарилиши ҳақидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига белгиланган тартибда тақдим этишга мажбур.

## **XXI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

21.1. Энг яхши таклифларни танлаб олиш қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- оферталарни бериш муддатини яқунланишига учтадан кам оферта келиб тушса;
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижасида Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса:

- оферентлар таклиф этган нархлар Энг яхши таклифларни танлаб олиш предметининг бошланғич қийматидан ошиқ бўлса;

- Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда Энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилмаган деб топилса.

21.2. Энг яхши таклифларни танлаб олишни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши Энг яхши таклифларни танлаб олишнинг комиссия, буюртмачи, ташкилотчи, иштирокчиларни мулккий ёки бошқа жавобгарликка тортилмайди.

21.3. Агар Энг яхши таклифларни танлаб олиш бўлиб ўтмаган деб топилса, такрорий Энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказилади. Бунда Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари талабларини қайта кўришга рухсат этилади.

## XXII. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим Энг яхши таклифларни танлаб олиш предмети бўйича ва Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/Р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи ташкилот номи:	“Ўрмонқурилиш” давлат унитар корхонаси
2.	Объект номи:	“Қорақалпоғистон Республикаси, “Муйноқ” давлат ўрмон хўжалигида тик қудук қуриш”
3.	Энг яхши таклифларни танлаб олиш тури:	Очиқ
4.	Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	etender uzex uz махсус ахборот портали
5.	Энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтказиш манзили, жойи ва муддати:	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси 2 а уй
6.	Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш учун банк кафолатининг миқдори ва шакли	Энг яхши таклифларни танлаб олиш буюртмасини таъминлаш кафолати миқдори 2 %, ёки буюртмачининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш буюртмасини таъминлаш ёки тўлов топшириқномаси нусхаси. <b>Ўрмонқурилиш” давлат унитар корхонаси</b> Манзили ва банк реквизитлари
7.	Энг яхши таклифларни танлаб олиш ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	etender uzex uz махсус ахборот портали
8.	Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этишга куйидаги иштирокчиларга рухсат этилади:	Етарли машина-механизмлар билан таъминланган, соҳа бўйича зарур қурувчи- муҳандисларга ва ўқшаш объектлар қурилишида етарли тажрибага эга бўлган, молиявий барқарор ташкилотларга
9.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	Мавжуд эмас
10.	Иштирокчиларнинг Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати:	Объект эълон қилинган ва тугаши муддат давомида
11.	Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	Оферталарни тақдим этишнинг охириги муддати-оферталарни очиш куни ва вақтигача
12.	Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатининг тили:	Ўзбек тили
13.	Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифининг амал қилиш муддати:	Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифининг амал қилиш даври Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифлари очилган кундан бошлаб 60 кундан кам

		бўлмаслиги керак. (п 9.1)
14.	Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш учун талаб қилинадиган айланма маблағлари миқдори:	(Объект бошланғич нархининг 20% миқдорида айланма маблағлар мавжудлиги ҳақидаги тижорат банкининг тасдиқланган маълумотнома ёки 20% миқдорида айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги тижорат банк кафиллиги, п 7.2.4.)
15.	Банк кафиллигининг амал қилиш муддати:	Пакетлар очилган кундан бошлаб 90 кундан кам бўлмаслиги керак. (п 7.2.4.2)
16.	Энг яхши таклифларни танлаб олиш предметининг объектида ишлатиладиган оферентнинг машина ва механизмлари, асбоб-ускуналари:	Баҳолаш мезонлари 5-қисмига мувофиқ
17.	Қўшимча ҳужжатлар рўйхати:	Солиқ қарздорлиги ва бошқа мажбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида ваколатли органнинг маълумотномаси; Ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ, меҳнат дафтарчаси нусхаси, машина ва механизмлар тех паспорти, ижара шартномаси, низом, гувоҳнома нусхаси
18.	Бирлашган юридик шахслар (консорциум) қатнашишига	Рухсат этилмайди
19.	Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини баҳолаш муддати:	Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифлари очилган кундан эътиборан узоғи билан 30 кунни ташкил этади (п 14.8)
20.	2-босқич молиявий қисмни очилишига рухсат этиладиган иштирокчи:	60 ва ундан юқори балл тўплаган иштирокчилар
21.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи ҚҚС билан	
22.	Буюртмачи белгилган қурилиш муддати	.
23.	Молиялаштириш манбаи:	Давлат бюджети маблағи
24.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириш шартлари: бўнак – Энг яхши таклифларни танлаб олиш натижаларига кўра аниқланган, қурилишнинг жорий йилидаги ишлар қиймати 30% (15+15)% миқдорида, жорий молиялаштиришга ажратилган бўнак, пропорционал ушлаб қолиниши ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қиймати 65% миқдорида, қолган 5% – фойдаланишнинг кафолатли муддати тугагач.
25.	Шартнома тили:	Ўзбек тили
26.	Шартнома валютаси:	Ўзбек сўм



## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ БУЮРТМАСИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ

(оферент ташилотнинг номи)

келгусида Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси деб аталувчи,

\_\_\_\_\_ томонидан ўтказилаётган  
(буюртмачи ташилотнинг номи)

(Энг яхши таклифларни танлаб олиш предметининг номи)

объекти бўйича Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш учун ўз Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини тақдим этганлигини инобатга олиб, ушбу билан маълум қилинадики, \_\_\_\_\_

(юридик манзил)

манзили бўйича қайд этилган офисга эга, келгусида “БАНК” деб аталувчи \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ нинг Энг яхши  
таклифларни танлаб олиш

(банк номи)

иштирокчиси олдида \_\_\_\_\_  
(рақамда ва ёзув билан сумма ва валюта тури кўрсатилсин)

миқдордаги мажбурияти мавжуд бўлиб, у бўйича тўлов кўрсатилган буюртмачига тўлалигича ва ўз вақтида амалга оширилади.

Мажбурият банк томонидан кафолатланган.

Мажбурият шартлари:

Агар:

1) Иштирокчи ўз таклифини Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифларини қабул қилиш муддати тугагандан кейин қайтариб олса;

2) Иштирокчи узининг таклифи буюртмачи томонидан қабул қилингани ҳақида хабарнома олиб, ушбу таклифни амал қилиш муддати давомида Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларида курсатилган талаблар асосида пудрат шартномасини тузишдан бош тортса ёки тузолмаса, бу ҳолларда банк буюртмачига, уни биринчи ёзма талабиданок, буюртмачидан ушбу сўровни асослантиришни талаб этмасдан, юқорида кўрсатилган суммани қуйидаги шартлар билан тўлаш мажбуриятини олади:

а) Агар ўз сўровида буюртмачи ушбу сумма унга тегишлилиги кўрсатилган ҳолатларнинг иккисидан бири ёки ҳар бири юзага келгани билан боғлиқ эканлигини, юзага келган ҳолат ёки ҳолатларни аниқлаштирган ҳолда, кўрсатса;

б) Буюртмачи ва пудратчи ўртасида тузилган шартнома талабларига, объект қурилишини бажариш ва яқунлашга тўсқинлик қилувчи ишлар ҳажмига ва мазмунига ўзгартириш киритилмаган бўлса.

Ушбу кафолат Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифини очиш кунидан \_\_\_\_\_ кун давомида (“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.) кучда қолади ва ушбу билан боғлиқ ҳар бир сўров юқорида кўрсатилган муддат ўтмасдан банкка бериб юборилади.

Кўрсатилган банкнинг умумий муҳри билан тасдиқланган.

**Бошқарувчи** (Ф.И.О)

**Бош ҳисобчи** (Ф.И.О)

*Муҳр ўрни*

**Изоҳ:** ушбу кафолат бош банк томонидан идора бланкасида белгиланган тартибда тақдим этилади.

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ  
МАЪЛУМОТЛАР**

Энг                    яхши                    таклифларни                    танлаб                    олиш                    иштирокчисининг                    номи

Иштирокчи раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми \_\_\_\_\_

Манзили ва телефон (факс) рақами \_\_\_\_\_

Юридик мақоми \_\_\_\_\_

Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами) \_\_\_\_\_

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) \_\_\_\_\_

**Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:**

Тартиб Т/р	Ф.И.О.	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	Қурилишдаги иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

**Асосий ходимлар** (участка, бўлим бошлиқлари, иш юритувчи, уста, ишлаб чиқариш бўлими муҳандислари ва бошқалар)

Т/р	Ф.И.О.	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	Қурилишда иш тажрибаси (йил)	Участка (бўлим) номи, эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

**Доимий ишчи ходимлар (ишчилар)**

Т/р	Мутахассисликлар номи	Жами сони, шу жумладан мутахассисликлар ва разрядлар бўйича	Улардан (3-устундан) малакасини тасдиқловчи ҳужжати борлари	Улардан (4-устундан) Қурилишда 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси борлари
1	2	3	4	5
	Жами			
	Шу жумладан:			
	Бетончилар _____ разрядли			
	Ғишт терувчилар _____ разрядли			
	Том қурувчилар _____ разрядли			
	Пайвандчилар _____ разрядли			
	Сантехниклар _____ разрядли			
	Дурадгорлар _____ разрядли			
	ва бошқалар			

Кадрлар бўлими бошлиғи:

/имзо ва муҳр/

Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчи раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

**Изоҳ:** Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги статистика ҳисоботларининг нусхалари ҳамда ишчи ходимлар учун ушбу ташкилотда камида 1 йиллик доимий иш фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.



**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ  
МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

*(Шаклга кейинги 3 йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги  
ҳисобот илова қилинади)*

*(Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг номи)*

АКТИВЛАР	2018 й	2019 й	2020 й	ПАССИВЛАР	2018 й	2019 й	2020 й
<b>Узоқ муддатли активлар</b>				<b>Ўз маблағлари манбаи</b>			
Асосий воситалар				Устав капитали			
Шундан Ишлаб чиқариш фондлари				Тақсимланмаган фойда			
Қолдиқ қиймат				<b>Мажбуриятлар</b>			
Капитал қуйилмалар				Займлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Кредитор қарздорлик			
<b>Жорий активлар</b>				Шундан муддати ўтган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Шундан бюджетдан қарздорлик			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Шундан иш ҳақидан қарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Шундан муддати ўтган қарздорлик							
Жами баланс активи бўйича				Жами баланс пассиви бўйича			

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖА**

Номи	2018 й	2019 й	2020 й	Номи	2018 й	2019 й	2020 й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан олинган соф тушум				Шундан асосий фаолият бўйича			
3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари					Умумхўжалик фаолият бўйича		
4. Маъмурий харажатлар				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда			
5. Бошқа харажатлар				10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда			
6. Даромад солиғи тўловигача фойда				11. Зарар шундан асосий фаолиятдан			
7. Даромад солиғи					умумхўжалик фаолиятдан		

Баланс фойдаси \_\_\_\_\_

Охириги 3 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми? \_\_\_\_\_

**Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот**

СТИР	Қурилиш ташкилотини тоифаси	Ташкилот томонидан ўтган йил (20__ йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари											
		Асосий воситалар қолдиқ қиймати Ф-1, 012-сатри	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти (1,25) =5/(6-7)	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар			Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (020) = (9+10+11-12)/13	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар					
				390-сатр	770-сатр	490-сатр		480-сатр	570-сатр	580-сатр	130-сатр	390-сатр	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	

Қоплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни кулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$K_{пл} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A2}{П2 - ДО}, \text{ бунда:}$$

**A2** - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу қабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

**П2** - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

**ДО** - узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{ос} = \frac{(П1 + Дзк2) - A1}{A2}, \text{ бунда:}$$

**A1** - узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қуйилмалар ва шу қабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

**П1** - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу қабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

**Дзк2** - узоқ муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан ҳисоблаб чиқиш йўли билан).

Ушбу қасрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, махраж - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Раҳбар \_\_\_\_\_ Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_

Мухр ўрни

Сана: “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

**Изоҳ:** Оферентнинг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясининг ижобий хулосасини тақдим этиши мумкин. Баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШ ҲАҚИ  
ЖАМҒАРМАСИ ВА ҲОДИМЛАР ЎРТАЧА СОНИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Давр	СТИР	Маҳсулот (товар ва хизмат)ларни реализациясидан соф тушум (Ф-2, 010-сатри), минг сўмда	Иш ҳақи жамғармаси, минг сўмда	Ходимларнинг ўртача сони (ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб)
1	2	3	4	5
X		X	X	X
Ўтган йил (20__ йил) якуни бўйича	X			
Жорий йил (20__ йил) охирги ҳисобот даври бўйича	X			
Жами	X			

шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи \_\_\_\_\_

шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси  
камерал назорат бўлими бошлиғи \_\_\_\_\_

## БАНК КАФИЛЛИГИ

\_\_\_\_\_ ,  
*(иштирокчи ташкилотнинг номи)*  
 келгусида Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси деб аталувчи,

\_\_\_\_\_ томонидан утказилаётган  
*(буюртмачи ташкилотнинг номи)*

\_\_\_\_\_ *(Энг яхши таклифларни танлаб олиш предметининг номи)*  
 объект бўйича Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирок этиш учун ўз таклифини тақдим этганлигини инобатга олиб, ушбу билан маълум қилинадики,

\_\_\_\_\_ *(банк манзили)*  
 манзил бўйича қайд этилган офисга эга, келгусида “Кафил” деб аталувчи  
 \_\_\_\_\_ Энг яхши таклифларни танлаб  
 олиш иштирокчиси олдида  
*(банк номи)*

\_\_\_\_\_ микдордаги  
*(рақамда ва ёзув билан сумма ва валюта тури кўрсатилсин)*  
 мажбуриятини қабул қилади. Ушбу бўйича кўрсатилган тўлов Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисига у Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳолиби деб топилганида ҳамда буюртмачи ва пудратчи ўртасида шартнома имзоланганидан сўнг тўлалигича ва ўз вақтида ҳеч қандай қўшимча шартлар ва талабларсиз амалга оширилади.

Банк ушбу мажбуриятга ўз номи билан боғланган.

Кўрсатилган банкнинг муҳри билан тасдиқланган.

Ушбу кафолат буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги шартнома (контракт) имзоланган кундан бошлаб \_\_ кун давомида кучда қолади ва ушбу билан боғлиқ ҳар бир сўров юқорида кўрсатилган муддат ўтмасдан банкка тақдим этилиши керак.

**Бошқарувчи**

\_\_\_\_\_ *(имзо)*

\_\_\_\_\_ *(Ф.И.О.)*

**Муҳр ўрни**

**Бош ҳисобчи**

\_\_\_\_\_ *(имзо)*

\_\_\_\_\_ *(Ф.И.О.)*

Сана “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил.

**Изоҳ:** ушбу берилган кафиллик банк муассасасининг идора бланкасида тақдим этилади.

**Банкнинг (тўман ёки вилоят бўлимининг) кафиллигида юқори тўрувчи банк ёки кредит қўмитаси билан келишилган (рақам...сана...раҳбарнинг Ф.И.О.) бор лимитлар ва кредит ресурслар тасдиғи мавжудлигини ҳисобга олиш зарур.**



**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ  
ОБЪЕКТЛАРДА  
ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ**

(Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчисининг номи)

	Объект номи, пудрат шартномаси суммаси, ишларнинг бошланиш ва якунланиш санаси	Буюртмачи номи	Бажарилган ишлар суммаси	Шундан йиллар бўйича		
				20__й.	20__й.	20__й.
	Жами:					

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Тасдиқланган: \_\_\_\_\_  
(бош ҳисобчи имзоси)

**Изоҳ:** Маълумотлар иштирокчи томонидан ҳар бир объект бўйича ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва бажарилган ишлар далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШЛАРНИ  
БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРИ РЎЙХАТИ**

T/ p	Номи	Маркаси	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Қуввати	Техник ҳолати	Балансид а ёки ижарада
1	2	3	4	5	6	7	8
<b>ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАЛАРИ</b>							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Ҳаммаси						
<b>КИЧИК МЕХАНИЗМЛАР</b>							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Ҳаммаси						

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

**Изоҳлар:**

1. 8 устунга қурилиш техникасининг Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижарага олинганлиги тўғрисидаги маълумот киритилади.

2. Ижара ва лизинг асосидаги техника ижарага олинганда ижарага берувчининг кафолат хати, лизинг шарномасининг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажариш даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЖОРИЙ  
ДАВРДАГИ БОШҚА (ПУДРАТ ШАРТНОМАЛАРИ) ОБЪЕКТЛАРИ**

Т/р	Буюрт мачи номи	Объект номи	Шартном а бўйича бажарилг ан ишлар суммаси	Шартнома суммаси, бошланиш ва яқунланиш санаси	Мавжуд машина ва механизмлар номи	Энг яхши таклифларни танлаб олишнинг предмети – лойиҳани бажариш вақтида бошқа объектларга жалб этилган машина ва механизмлар сони – (ойлар бўйича)			
						7	8	9	10
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

**Изоҳлар:**

- 1. Бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.*
- 2. Объектда бажарилиши лозим бўлган қурилиш ишлари учун келгусида жалб этиладиган машина ва механизмлар сони кўрсатилади.*

**ҚУРИЛИШ МАЙДОНЧАСИНИ  
КЎЗДАН КЕЧИРГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА**

Ушбу билан тасдиқланадики, мен \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О, лавозими.)

\_\_\_\_\_ томонидан 20\_\_ йил  
\_\_\_\_\_ да берилган ишончномага асосан қуйидагиларни батафсил ўргандим:

- а) Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларини;
- б) лойиха ҳужжатларини.

Мазкур шартномани сифатли, тўла ва ўз вақтида бажарилишига, келгусидаги ишларнинг қийматига, ҳажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа ҳолатлар ҳамда қурилиш майдони билан танишдим. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ўз таклифимизда ҳисобга олинган.

**Изоҳ:** Ушбу шаклда объектни ўрганиб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, кириш йўллари, муҳандислик тармоқларининг мавжудлиги, мавжуд бино ва иншоотлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа масалалар қурилиш генплани кўринишида тақдим этилади.

Қатнашчининг ваколатли вакили: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О) \_\_\_\_\_  
ИМЗО

Буюртмачининг ваколатли вакили: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О) \_\_\_\_\_  
ИМЗО

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

**ҲУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ ВА ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШДА  
ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ ИШОНЧНОМА**

Ташкилотнинг номи \_\_\_\_\_.

Ташкилотнинг манзили \_\_\_\_\_.

Мен, юқоридаги иштирокчи ташкилот раҳбари, мазкур ишончнома билан  
\_\_\_\_\_ га иштирокчи номидан

(*фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаган лавозими*)

\_\_\_\_\_ объекти

(*Энг яхши таклифларни танлаб олиш савдоси предмети*

*номи*)

бўйича Энг яхши таклифларни танлаб олишда қатнашиш ва иштирокчи номидан ҳужжатларга имзо чекиш ваколатини бераман. Бу ердаги барча маълумотлар аслига тўғри ва ҳақиқий бўлиб, биз бу ерда қилинган ҳар қандай нотўғри ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий томондан жавобгармиз.

Юқоридагиларга гувоҳлик бериб, мазкур ҳужжатларга ўз имзоларимизни қўйдик

\_\_\_\_\_  
(*ишонч билдирувчининг Ф.И.О.*)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(*ишонч билдирилганнинг Ф.И.О.*)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

**Изоҳ:** Энг яхши таклифларни танлаб олишда иштирокчининг раҳбари ишончномасиз иштирок этади.

(буюртмачи ташилотнинг номи)

**ЛОЙИХАНИ БАЖАРИШ  
БУЮРТМАНОМАСИ**

(объект номи)

1. Биз, қуйида имзо чекувчилар, юқорида айтилган ишларни бажариш майдончасини қўздан кечириб, умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат Энг яхши таклифларни танлаб олиш ҳужжатларини ўрганиб, юқорида кўрсатилган ҳужжатларга мувофиқ

(рақамда ва ёзув билан сумма, қўшилган қиймат солиғи билан)

сўмга айтилган барча ишларни (қурилиш ишларининг камида 50 %ини ўз кучимиз билан) бажариш ва яқунлашни ҳамда улардаги топилган дефектларни белгиланган муддатда тузатишни таклиф этамиз.

2. Бизнинг таклифимиз қабул қилинган ҳолда, буюртмачидан ишга киришиш ҳақидаги ёзма хабарномани олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида ишларни бажаришга киришиш ва ишларни бажаришни бошланишидан эътиборан \_\_\_\_\_ кун мобайнида уларни яқунлаш мажбуриятини оламиз.

3. Бизнинг таклифимиз Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифлари очилган кундан бошлаб \_\_\_\_\_

(рақам ва ёзув билан) календар кун мобайнида амал қилади.

4. Шартнома тузилгунга қадар мазкур Энг яхши таклифларни танлаб олиш таклифи унинг қабул қилинганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома билан бирга орамиздаги юридик мажбурият ҳисобланади.

5. Таклиф қабул қилинганлиги тўғрисидаги Биз олган хабарнома, Бизни Сиз билан расмий шартнома тузишга мажбурият юклашини ва Биз унинг ижросини таъминлашимизни тасдиқлаймиз.

6. Буюртмачи ва Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси тақдим этилган таклифлардан энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигига розилик билдираемиз.

7. Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчиларига жўнатилган \_\_\_\_\_ - сон хабарномалар Биз томондан ҳисобга олинган.

8. Қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаймиз.

9. Буюртмачи билан ўзаро ҳисоб-китобларни Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг мажлислари баённомалари билан тасдиқланган ва келгусида ўзгартирилмайдиган шартномавий нархда амалга ошириш мажбуриятини оламиз.

10. Шартнома мажбуриятларини бажарилиши ҳақидаги мониторинг маълумотларини Қурилиш вазирлигининг вилоят танлов савдоларини ўтказиш консалтинг марказига, белгиланган шаклда, ҳар ойнинг 2 санасига қадар, қурилишни олиб боришни бутун даври давомида тақдим этиб бориш кафолатини берамиз.

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

**ОБЪЕКТНИНГ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ ГРАФИГИ**

---

*(объект номи)*

Т/р	Ишлар номланиши	Ишларни бошлаш санаси	Ишларни тугатиш санаси
1			
2			
3			
4			

**Изоҳ:** Қурилишининг умумий жадвалида ишларни умумий дастури (объектнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда) ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади. Қурилишининг умумий жадвали пудратчининг ишларни ва маълум участкаларни белгиланган муддатда якунлаш ва қурилаётган объектда хавфсиз ва узлуксиз ишлар олиб бориш мажбуриятига таъсир кўрсатмаслиги керак.

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

## ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ГРАФИГИ

(объект номи)

бўнак (аванс) тўлаш ва жорий молиялаштиришни ҳисобга олган ҳолда

Молиялаштириш шартлари	Қурилиш йиллари _____ йил											
	Қурилиш ойлари											
	Январ	Феврал	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
___ % ҳажмдаги бўнак												
___ % ҳажмда жорий молиялаштириш												
5 % фойдаланишнинг кафолатли муддати тугагач.												

Кредит ёки ўз маблағларидан фойдаланиш – пудратчига ҳавола.

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.



## ОБЪЕКТНИНГ ЖАМЛАНМА ЖАДВАЛИ

(объект номи)

(оферент номи)

Т/р	Харажатлар номи	Жорий нархлардаги қиймати
1	Қурилиш материаллари ва конструкциялари	
2	Жиҳозлар	
3	Машина ва механизмлар	
4	Иш ҳақи	
	Жами (қўшилган қиймат солиғисиз)	
	Бошқа харажатлар	
	Қўшилган қиймат солиғи	
	Жами қурилиш-монтаж ишлари қиймати	

**Изоҳ:** Мазкур жадвал буюртмачи ва Энг яхши таклифларни танлаб олишнинг голиб ташкилоти ўртасида тузиладиган шартнома учун қўлланилади.

**ОБЪЕКТДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Меъёрлар рақами шифри	Иш турлари	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа кўрсаткичлари бўйича ишлари миқдори	Қиймати	
					Бирликка	Жами
	<b>Жами:</b>					

**Изоҳ:** Мазкур жадвалда иштирокчи ҳар бир иш тури бўйича бир бирлик иш ҳажмлари учун таклифида ресурсларни акс эттирмасдан тақдим қилади.

**ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИНING ШАРТНОМАВИЙ НАРХИНИ БЕЛГИЛАШДА  
ИШЛАТИЛГАН АСОСИЙ НАРХ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ КОМПОНЕНТЛАРНИНГ  
НАРХЛАРИ**

Т/р	Компонент номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа кўрсаткичлари бўйича миқдори	Бирлик учун нарх	Жами
1.	Меҳнат (иш кучи) харажатлари				
2.	Электроэнергия				
3.	Ёқилғи-мойлаш материаллари				
4.	Металл				
5.	Цемент				
6.	Қум				
7.	Йиғма темир-бетон маҳсулотлари				
8.	Ёғоч материаллари (пиломатериалы)				
9.	Ғишт (и/ч заводлар)				
10.	Бошқа материаллар				
11.	Таваккалчилик коэффициенти				

Компонентлар сони чегараланмайди ва пудратчи томонидан Энг яхши таклифларни танлаб олиш предметининг техник жиҳатларидан келиб чиқиб тўлдирилади.

Бунда ҳар бир аниқ объект бўйича компонентлар ва асосий қурилиш материаллари номенклатураси объект қурилиши қийматини 100% ини ташкил қилувчи асосий нарх шакллантирувчи компонентларни ҳисобга олган ҳолда танланади.

Ташкилот раҳбари: \_\_\_\_\_  
муҳр ўрни

**VI. ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ  
(НАМУНАВИЙ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ)**

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ \_\_\_\_\_-сон**

2021 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

Тошкент шаҳри

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган \_\_\_\_\_ номидан Низом асосида иш кўрувчи директор \_\_\_\_\_ бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган \_\_\_\_\_ номидан Низом асосида иш кўрувчи \_\_\_\_\_ иккинчи томондан \_\_\_\_\_ га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**1. Таърифлар**

**1.Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:**

**“ижро ҳужжатлари”:** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

**“қурилиш майдони”:** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

**“вақтинчалик ишлар”:** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**“беркитилган ишлар”:-** сифати ва яқунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиш:** ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. Шартнома мавзуси**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ \_\_\_\_\_ ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати**

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган Энг яхши таклифларни танлаб олиш натижасида аниқланган ва Энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссиясининг қарори (**20\_\_ йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_даги “\_\_\_\_\_/1,2,3” сон баённома**) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда (\_\_\_\_\_) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга “\_\_\_\_” иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- “\_\_\_\_” иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини кўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 3 иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддати**

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Энг яхши таклифларни танлаб олиш натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан \_\_\_\_\_ **ни ташкил этади.**

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг \_\_\_% миқдорида, аванс ўтказиши, бу \_\_\_\_\_  
( \_\_\_\_\_ ) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг \_\_\_% гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VIII. Ишларни бажариш**

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этиш учун қонунда белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва

объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитилладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитилладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитилладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, шартнома 35 банди 2-чи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарда ўз фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

### **IX. Ишларини қўриқлаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

### **XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб \_\_\_\_\_ кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

### **XII. Кафолатлар**

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартлари белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида \_\_\_ ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида \_\_\_ ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. Шартномани бекор қилиш**

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қонунсиз мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **XV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг \_\_\_ % миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг \_\_\_ фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг \_\_\_ фоизи миқдориди жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг \_\_\_ фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг \_\_\_ фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг \_\_\_ фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг \_\_\_ фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчинини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг \_\_\_ фоизи миқдориди ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби**

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар**

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.



71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган \_\_\_\_\_ нусхада тузилади.

**XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.**

Буюртмачи:

Пудратчи:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Банк:

Банк:

Х/Р

Х/Р:

МФО ИНН

МФО: ИНН:

Раҳбар:

Раҳбар:

М.У. (имзо)

М.У. (имзо)

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунининг 21-моддасига мувофиқ хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

*Буюртмачи раҳбари:*

*Пудратчи раҳбари:*

*Юридик хизмати*

томонидан тузилаётган 20 \_\_\_\_ йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ - сон Шартнома, умумий суммаси \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўм қилиб белгиланган шартнома лойиҳаси юзасидан,

**Ю Р И Д И К Х У Л О С А С И**

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, ушбу қурилиш Пудрат шартномасини ҳақиқатдан ҳам давлат рўйхатидан ўтганлигини ва мазкур шартномани имзолаш ҳуқуқига эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини, тўлов қобилиятига эга эканлигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик ҳужжатларига мос келишлилигини аниқладим.

Шу муносабат билан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Ҳуқуқшунос (Буюртмачи):

М.Ў.

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

\_\_\_\_\_

Пудратчи ҳуқуқшуноси:

М.Ў.

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

\_\_\_\_\_

**Объектда бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари  
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Ишлар тури ва номи	Ишлар ҳажми	Қиймати	20__ йил учун қурилиш қиймати												Ишлар тури қийма-тининг жами	
				I - чорак			II – чорак			III – чорак			IV - чорак				
				Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	

Ишларнинг номи ва тури ҳар бир аниқ ҳолда иншоотнинг хусусиятларига қараб аниқлаштирилади.

1. Мазкур жадвал шартнома (контракт)нинг иловаси ҳисобланади ва унинг ажралмас қисми деб қаралади.
2. Келгуси йиллардаги қурилиш ишлари учун ҳам шундай график тузилади.

**БУЮРТМАЧИ:**

Раҳбар: \_\_\_\_\_  
М.Ў.

**ПУДРАТЧИ:**

Раҳбар: \_\_\_\_\_  
М.Ў.

“ \_\_\_\_\_ ”  
**Ишларни (босқичларга бўлган ҳолда) бўнак ва жорий молиялаштиришни ҳисобга олган ҳолдаги молиялаштириш жадвали**

Молиялаштириш шarti	Қурилиш йиллари _____ йил.											
	Ойлар											
	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
<b>30 % бўнак (аванс) тўлови</b>												
<b>65 % бажарилган ишлар далолатномаларига асосан</b>												
<b>5 % тўлов кафолат муддати тугаганидан сўнг</b>												

**БУЮРТМАЧИ:**

Раҳбар: \_\_\_\_\_

М.Ў.

**ПУДРАТЧИ:**

Раҳбар: \_\_\_\_\_

М.Ў.

